

**РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ОНКОЛОГИЯ ВА
РАДИОЛОГИЯ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.04/30.12.2019.Tib.77.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ
АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ТИББИЁТ ХОДИМЛАРИНИНГ КАСБИЙ МАЛАКАСИНИ
РИВОЖЛАНТИРИШ МАРКАЗИ**

СОЛМЕТОВА МАЛИКА НАСИРОВНА

**БАЗАЛ ҲУЖАЙРАЛИ ТЕРИ САРАТОНИ ЭРТА ТАШХИСЛАШДА
КЛИНИК-МОРФОЛОГИК ВА ДИФФЕРЕНЦИАЛ-ДИАГНОСТИК
МЕЗОНЛАР**

**14.00.14 – Онкология
14.00.11-Дерматология ва венерология**

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2023

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)

Солметова Малика Насировна

Базал хужайрали тери саратонини эрта ташхислашда
клиник-морфологик ва дифференциал-
диагностик мезонлар..... 5

Солметова Малика Насировна

Клинико-морфологические и дифференциально-
диагностические критерии в ранней диагностике
базальноклеточного рака кожи 27

Солметова Малика Насировна

Clinical-morphological and differential-diagnostic
criteria in the early diagnosis of basal cell cancer 50

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works..... 52

**РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ОНКОЛОГИЯ ВА
РАДИОЛОГИЯ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.04/30.12.2019.Tib.77.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ
АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ТИББИЁТ ХОДИМЛАРИНИНГ КАСБИЙ МАЛАКАСИНИ
РИВОЖЛАНТИРИШ МАРКАЗИ**

СОЛМЕТОВА МАЛИКА НАСИРОВНА

**БАЗАЛ ҲУЖАЙРАЛИ ТЕРИ САРАТОНИНИ ЭРТА ТАШХИСЛАШДА
КЛИНИК-МОРФОЛОГИК ВА ДИФФЕРЕНЦИАЛ-ДИАГНОСТИК
МЕЗОНЛАР**

**14.00.14 – Онкология
14.00.11-Дерматология ва венерология**

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2023

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2018.1.PhD/478 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация тиббиёт ходимларининг касбий малакасини ривожлантириш марказида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий Кенгаш веб-саҳифасида (www.cancercenter.uz) ва «ZiyoNet» Ахборот таълим портали (www.ziynet.uz) манзилларига жойлаштирилган.

Илмий раҳбарлар:

Гафур-Ахунов Мирза-Аллиярович

тиббиёт фанлари доктори, профессор

Ваисов Адхам Шавкатович

тиббиёт фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Полатова Джамила Шагайратовна

тиббиёт фанлари доктори, профессор

Арифов Саидкосим Саидазимович

тиббиёт фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот:

Самарқанд давлат тиббиёт университети

Диссертация ҳимояси Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий-амалий тиббиёт маркази ҳузуридаги DSc.04/30.12.2019.Tib.77.01 рақамли Илмий Кенгашнинг 2021 йил «___» _____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100174, Тошкент ш., Фаробий кўчаси, 383. Тел.: (+99871) 227-13-27; факс: (+99871) 246-15-96; e-mail: info@cancercenter.uz).

Диссертация билан Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий-амалий тиббиёт маркази Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (___ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100109, Тошкент ш., Фаробий кўчаси, 383. Тел.: (+99871) 227-13-27; факс: (+99871) 246-15-96.

Диссертация автореферати 2023 йил «___» _____ да тарқатилди.

(2023 йил «___» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).

М.Н. Тилляшайхов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш асосидаги
бир марталик илмий кенгаш раиси, тиббиёт фанлар
доктори, профессор

А.А. Адилходжаев

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш асосидаги
бир марталик илмий кенгаш илмий котиби, тиббиёт
фанлар доктори, доцент

М.Х. Ходжибеков

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш қошидаги
бир марталик илмий семинар раиси, тиббиёт фанлар
доктори, профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Бугунги кунда дунёда тери онкологик касалликларининг ўсиши қайд этилаётган бўлиб, уларнинг орасида базал хужайрали тери саратони (БХТС) сезиларли миқдорни эгаллайди. ЖССТ маълумотларига кўра, хавфли тери ўсмалари билан касалланиш кўрсаткичи энг юқори (100 минг аҳолига 1500 гача) мамлакат саналган Австралияда аҳолининг учдан икки қисми ҳаёт давомида БХТС га чалинган бўлса, Бразилия, Беларуссияда ҳам юқори кўрсаткичлар қайт қилинган. Россияда 2016 йилда тиббиёт муассасалари томонидан рўйхатга олинган барча хавфли номеланоцитар эпителиал тери ўсмалари (C-44, C-46) билан касалланиш даражаси 68366 тани ташкил этиб, бу онкологик касалланиш таркибида етакчи ўринни эгаллади, ҳар икки жинс учун 100 000 аҳолига 48,8 ҳолатни ташкил этди. Базал хужайрали тери саратони «.... энг кўп тарқалган хавфли тери ўсмаси бўлиб, унинг хавфли тери эпителиал ўсмалари орасидаги улуши 45,0-96,8% ни ташкил қилади ва ҳар йили касалланиш даражаси 2,6-5,0% га ошади...»¹. Шундай бўлсада, тери саратонининг ушбу турини ташхислашнинг ҳар хил турлари мавжуд эканлигига қарамай, даволанишдан кейин асоратлар қайд этилади, демак, касалликни ташхислаш усулларини такомиллаштириш ва тўғри даво тактикасини танлашда долзарб муаммоларидан бири ҳисобланади.

Жаҳонда базал хужайрали тери саратонини эрта ташхислашда клиник-морфологик ва дифференциал-диагностик мезонлари такомиллаштириш борасида қатор илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Бу борада ҳудудларда хавф омилларини ҳисобга олган ҳолда базал хужайрали тери саратони билан касалланиш даражаси ҳамда клиник шакллари ретроспектив таҳлил қилиш, базал хужайрали тери саратонини барвақт ташхислашда дерматоскопик тадқиқотлар самарадорлигини, гистологик ва иммуногистохимик хусусиятларини (Ki67, p53, bcl2) ҳисобга олган ҳолда базал хужайрали тери саратони учун дифференциал ташхисот мезонларнинг яхлит тизимини ишлаб чиқиш, даволаш миллий стандартига жорий этиш учун базал хужайрали тери саратонини дифференциал ва аниқлаштирувчи ташхислаш алгоритминини ишлаб чиқишга қартилган илмий тадқиқотларни амалга ошириш алоҳида аҳамият касб этади.

Мамлакатимизда тиббиёт соҳасини ривожлантириш тиббий тизимни жаҳон андозалари талабларига мослаштириш, жумладан, кексалик ва қарилик ёшидаги тери рақ олди рақ касалликларини олдини олишга қартилган муайян чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Бу борада 2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясининг етгита устувор йўналишига мувофиқ аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш даражасини янги босқичга кўтаришда «....бирламчи тиббий-санитария хизматида аҳолига

¹ Бакуров Е.В. Роль и задачи кожно-венерологических учреждений в организации раннего выявления злокачественных новообразований кожи / Е.В. Бакуров, Н.П. Малишевская // VESTNIK DERMATOLOGII I VENEROLOGII.

малакали хизмат кўрсатиш сифатини яхшилаш....»² каби вазифалар белгиланган. Ушбу вазифалардан келиб чиққан ҳолда, жумладан, базал хужайрали тери саратонини эрта ташхислашда клиник-морфологик ва дифференциал- диагностик мезонларини баҳолаш юзасидан тадқиқотларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ–60-сон «2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида», 2017 йил 16 мартдаги ПФ-4985-сон «Шошилишч тиббий ёрдамни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида», 2018 йил 7 декабрдаги ПФ–5590-сон «Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармонлари, 2017 йил 20 июндаги ПҚ–3071-сон «Ўзбекистон Республикаси аҳолисига 2017–2021 йилларда ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатишни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида», 2018 йил 25 январдаги ПҚ-3494-сон «Шошилишч тиббий ёрдам тизимини жадал такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида», 2017 йил 16 мартдаги ПҚ-2838-сон «Шошилишч тиббий ёрдам хизматининг фаолиятини ташкил этишни янада такомиллаштириш ва моддий-техника базасини мустаҳкамлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларга мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг VI. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Хавфли тери ўсмалари (ХТЎ) муаммоси замонавий тиббиётнинг энг муҳим ва устувор муаммоларидан биридир. Ўтказилган эпидемиологик тадқиқотлар дунёнинг аксарият мамлакатларида ХТЎ билан касалланишнинг тез ўтишини аниқлади³. Постсовет худудидаги мамлакатларга келсак, бу ерда ҳам энг кенг тарқалган ўсма сифатида базалиоманинг муҳимлигини етарлича баҳоламаслик тенденцияси мавжуд. Хусусан, 2007 йилда саратон касаллиги тўғрисидаги маълумотларни умумлаштириб, Давидов М.И. ва Аксель Е.М. гарчи умумий тери саратони Россияда 3-ўринни эгаллаган (ўпка саратони ва ошқозон саратонидан кейинги ўринда) ва бунда эркакларда тери саратони билан касалланиш 9,8% ни ташкил этганини қайд этишган бўлсада, алоҳида устунга ажратмаган. Аёлларда тери саратони 13,6% ни ташкил этиб, кўкрак саратонидан кейин иккинчи ўринда туради. Алоҳида таъкидланишича, скуамоз хужайрали тери саратони ҳар 100000 аҳолига эркаклар орасида 26 кишида, аёллар орасида эса 21 нафарида учрайди (Давидов М.И., Аксель Е.М. (ред.)). Статистик тадқиқотлар маълумотларга кўра, Россияда ҳар йили 40,5

²Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ–60-сон «2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги Фармони.

³ Aboud A. 2003; Raasch B. et al., 1998; Boi S. et al., 2003.

дан 53 минггача янги ХТЎ ҳолатлари қайд этилиб, уларнинг аҳоли сони умумий онкологик касалликларидаги улуши 10-12% ни ташкил қилади (Молочков В. А. бош., 2004). Расмий статистика ва кўплаб эпидемиологик тадқиқотлар натижалари хавfli тери ўсмалари ҳудудий тарқалишининг турлича эканлигидан далолат беради (Конопацкова О.М., Гречишникова Т.В., 2004; Кулагин В.И. и соавт., 2001; Писклакова Т.П. и соавт., 1998; Сангинов Д.Р., 2002). ХТЎ касалланиш даражаси ва структураси кўплаб омилларга: иқлимий ва географик яшаш зоналари, аҳолининг ирқий ва миллий хусусиятлари, минтақага антропоген юкламани келтириб чиқарадиган саноатнинг концентрациясига боғлиқ (Малишевская Н.П., 1999). Ҳозирги вақтда тери саратонининг минтақавий хусусиятларини ўрганиш фақат эпидемиологик жиҳатлар билан чекланмайди, турли ҳудудларда терининг хавfli ўсмаларини чуқур эпидемиологик, клиник, морфологик ва иммуногистокимёвий тадқиқ этиш истиқболли ҳисобланади (Панова И.Е. и соавт., 2003; Хлебникова А.Н., 2007). Эпителий ўсмаларини иммуногистокимёвий даражада ўрганиш жараённинг хавfliлиги дастлабки белгиларини аниқлаш, ўсманинг кириб бориши ва метастаз қилишга тенденциясини баҳолаш, БХТС нинг турли шакллари хавfliлик даражасидаги фарқларни аниқлаш имконини беради (Молочков В.А. и соавт., 2005; Снарская Е.С., Молочков В.А., 2003). ЖССТ тадқиқотчиларининг фикрига кўра, ХТЎ билан касалланишнинг кўпайиши кўп жиҳатдан салбий атроф-муҳит омилларининг одамларга кучли таъсири билан боғлиқ (Богуш П.Г. и соавт, 2003; Беренбейн Б.А., Малишевская Н.П., 1991).

Мамлакатимизда турли даражадаги тери касалликларни саратонини эрта ташхислашда морфологик ва дифференциал диагностик ва клиник мезонлари такомиллаштириш, асоратларни олдини олиш ва беморларни умр кўриш давомийлигини узайтириш борасида деярли илмий тадқиқотлар олиб борилмаган, шу билан бирга, базал ҳужайрали тери саратонини эрта ташхислашда клиник-морфологик ва дифференциал-диагностик мезонлари такомиллаштирилмаган.

Нафақат базал ҳужайрали тери саратоннинг эпидемиологик ва клиник жиҳатларини ўрганиш, балки риск омиллари ролини баҳолаш ҳамда муайян ҳудудларда базал ҳужайрали тери саратоннинг морфологик ва иммуногистокимёвий хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда мақсадли йўналтирилган профилактика чоралари ҳам муҳим аҳамият касб этади. Сўнгги йилларда тери саратони тарқалишининг умумий қонуниятлари ва уларни белгилаб берадиган омиллар етарлича яхши ўрганилди. Шунинг учун асосий эътибор ХТЎнинг минтақавий хусусиятларини ўрганишга қаратилиши долзарб аҳамиятга эга бўлмоқда. Саноати жадал ривожланган экологик жиҳатдан ноқулай ҳудудлардаги тадқиқотлар алоҳида аҳамият касб этмоқда. Касалликнинг доимий юқори бўлишига қарамай, базал ҳужайрали тери саратони билан касалланиш ва унинг кечишини ҳар томонлама баҳолаш ҳозиргача амалга оширилмаган. Шундан келиб чиққан ҳолда, онкологик ва дерматологик муассасаларнинг кундалик фаолиятига кейинчалик самарали даволаш тактикасини танлаш билан базал ҳужайрали тери саратони биологик

турини мажбурий аниқлашни жорий этиш билан боғлиқ ҳолда амалий аҳамиятга ва долзарбликка эгадир. Ўсма паренхимаси, стромаси, ҳужайра-тўқима реакцияларининг агрессив биологик салоҳиятини аниқлаш зарур, уларнинг кооператив алоқалари замонавий услубий даражада ҳар томонлама ўрганишни талаб қилади. Шундай қилиб, базал ҳужайрали тери саратоннинг индивидуал ташхислаш ва адекват терапияни режалаштиришда башоратли прогностик аҳамиятга эга бўлган ўсманинг клиник-морфологик вариантлари биологик турини акс эттирмайдиган умумий қабул қилинган гуруҳ таснифини тузатиш ва тўлдириш учун зарур шарт-шароитлар яратилади.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасаси илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Тиббиёт ходимларининг касбий малакасини ривожлантириш марказининг илмий тадқиқот ишлари режасига мувофиқ «Базал ҳужайрали тери саратонини барвақт ташхислашда клиник-морфологик ва дифференциал-диагностик мезонлар» (2018-2022 йй) мавзусидаги илмий лойиҳа доирасида бажарилган

Тадқиқотнинг мақсади базал ҳужайрали тери саратонини барвақт ташхислаш ва дифференциал ташхислашни такомиллаштиришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари қуйидагилардан иборат.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудларида таҳлика омилларини ҳисобга олган ҳолда базал ҳужайрали тери саратони билан касалланиш даражаси ва клиник шакллари ретроспектив таҳлил қилиш;

базал ҳужайрали тери саратонини барвақт ташхислашда дерматоскопия самарадорлигини баҳолаш;

базал ҳужайрали тери саратонининг гистологик ва иммуногистокимёвий хусусиятларини (Ki67, p53, bcl2) баҳолаш;

касалликка клиник шакллари, гистологик турлари ва иммуногистокимёвий маркерларни ҳисобга олган ҳолда базал ҳужайрали тери саратони учун дифференциал-диагностик мезонларнинг яхлит ҳолга келтирилган тизимини ишлаб чиқиш;

Ўзбекистон Республикаси ташхисоти ва даволаш миллий стандартига жорий этиш учун базал ҳужайрали тери саратонини дифференциал ташхисот алгоритминини ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти Республика ҳудудлари, Тошкент шаҳри ва Республика тери-таносил касалликлари клиник шифохонасида кўриқдан ўтган беморлар бўйича 7-сонли ССВ ҳисобот шаклларида тери саратони бўйича статистик маълумотлар ҳисобланган.

Тадқиқотнинг предмети базал ҳужайрали тери саратонини эрта ташхислашда клиник-морфологик ва дифференциал-диагностик мезонлари такомиллаштиришда p53, Ki-67 ва bcl-2 маркерларининг экспрессия даражасини баҳолаш ўсма ҳужайраларининг ўчоқларида бўялган ядроларнинг ҳолатини, иммунопозитив ядролар юқоридан пастга ва чапдан ўнгга ўсма ҳужайраларининг нисбатан бир хил тақсимланиши билан намунали кўриш майдонларини баҳолаш материаллари олинган.

Тадқиқотнинг усуллари. Базал хужайрали тери саратонини эрта ташхислашда клиник-морфологик ва дифференциал ташхисот мезонлари такомиллаштиришда дерматоскопик, морфологик, иммуногистокимёвий ва статистик тадқиқот усулларидадан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

базал хужайрали тери саратони оч тери фототипининг I, II ва III турларидаги беморларда ва солид-ярали тери саратонида дерматоскопик «дарахтсимон томирлар» белгилар ҳисобига ўзгаришнинг кузатилиши исботланган;

базал хужайрали тери саратони ривожланишига таъсир қилувчи салбий хавф омиллари Фицпатрик тери фототиплари ва иммуногистокимёвий маркерларини (Ki67, p53, bcl2) юқориги морфеаформ гистологик тури ҳисобига энг юқори фаоллиги билан боғлиқлиги исботланган;

солид базал хужайрали тери саратонида «дарахтсимон томирлар», пигментли саратонида эса «заранг барглари» дерматоскопик белгиларининг иммуногистокимёвий маркерларининг (Ki67, p53, bcl2) пастлиги ўсманнинг дерматоскопик кўриниши ва биологик табиати ўзгаришига қараб касалликнинг ижобий башорат омилли эканлиги исботланган;

базал хужайрали тери саратонида клиник белгилари, инцизион ва эксцизион тери биопсияси ва иммуногистокимёвий маркерларини ҳар томонлама баҳолаш асосида турли хил вариантларини дифференциал ташхислаш мезонлари дерматоскопик ва микроскопик белгилари асосида исботланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

барча даражадаги базал хужайрали тери саратони билан хастланган беморларни ўз вақтида аниқлаш бўйича ишларни ташкил этишнинг интеграциялашган тизим модели таклиф қилинган;

базал хужайрали тери саратонни барвақт ташхислашнинг дерматоскопик мезонлари бўйича тавсиялар, шунингдек, патоморфологик ва иммуногистотипик тадқиқотларни ҳисобга олган ҳолда базал хужайрали тери саратони гистотиплаш методологияси ишлаб чиқилган;

базал хужайрали тери саратонни барвақт ташхислаш ва дифференциал-диагностик мезонлар бўйича услубий тавсиялар ишлаб чиқилган;

дерматоскопик, клиник, гистологик таснифи ва иммуногистокимёвий хусусиятларни ҳисобга олган ҳолда клиник амалиётга барвақт ташхислаш усуллари ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги ишда қўлланилган назарий ёндашув ва усуллар, олиб борилган текширувларнинг услубий жиҳатдан тўғрилиги, жабрланганлар сонининг етарлилиги, тадқиқотда қўлланилган замонавий ўзаро бир-бирини тўлдирувчи дерматоскопик, морфологик, иммуногистокимёвий ва статистик тадқиқот усулларида базал хужайрали тери саратонини эрта ташхислашда клиник-морфологик ва дифференциал-ташхисот мезонларини такомиллаштиришда халқаро ҳамда маҳаллий тажрибалар билан таққослангани, хулоса ҳамда олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан асосланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти базал ҳужайрали тери саратонини барвақт ташхислашда дифференциал ёндашувни белгилайдиган назарий асосларни яратиш, базал ҳужайрали тери саратонни индивидуал даволашни тайинлаш учун дерматоскопик, патогистологик ва иммуногистокимёвий тадқиқотлар ёрдамида ўсманинг клиник шакли ва биологик хусусиятини баҳолашнинг назарий асослари яратилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти базал ҳужайрали тери саратонни барвақт ташхислаш ва асоратларни олдини олиш самарадорлигини ошириш, ўсманинг клиник шакли ва гистологик кичик турини барвақт дифференциал ташхислаш, таклиф этилаётган алгоритм хавфсиз ва юқори самарали бўлиб, уни онкология ва дерматокосметологияда кенг қўллаш учун тавсия қилиш, ушбу усулни клиник амалиётга жорий этиш базал ҳужайрали тери саратонни ташхислаш ва даволаш самарадорлигини ошириш, асоратларни камайтириш ва беморларнинг ҳаёти сифатини сезиларли даражада яхшилаш имконини берганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Базал ҳужайрали тери саратонини эрта ташхислашда клиник-морфологик ва дифференциал-диагностик мезонлари такомиллаштириш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

базал ҳужайрали тери саратонини эрта ташхислашда клиник-морфологик ва дифференциал-диагностик мезонлари такомиллаштириш бўйича олиб борилган тадқиқотнинг илмий натижалари асосида ишлаб чиқилган «Базал ҳужайрали тери саратони клиник-дерматоскопик ва дифференциал-диагностик мезонлар» номли услубий тавсиянома тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2021 йил 3 декабрдаги №8н-р/1170-сон маълумотномаси). Мазкур услубий тавсиянома базал ҳужайрали тери саратонининг клиник-дерматоскопик, патоморфологик ва иммуногистокимёвий хусусиятлари, базалиома клиник шакллари ва гистотипларини баҳолаш билан барвақт ташхислаш ва янада самарали даволаш сифатини ошириш имконини берган;

базал ҳужайрали тери саратонини эрта ташхислашда клиник-морфологик ва дифференциал-диагностик мезонлари такомиллаштириш бўйича олинган илмий натижалар соғлиқни сақлаш амалиётига, жумладан, Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий–амалий тиббиёт маркази, Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий–амалий тиббиёт марказининг Тошкент вилояти филиали ҳамда Республика тери-таносил касалликлари клиник шифохоналарнинг клиник амалиётига жорий қилинган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2021 йил 9 декабрдаги №8н-з/539 маълумотномаси). Олинган натижаларнинг амалиётга жорий қилиниши базал ҳужайрали тери саратонини эрта ташхислашда гистотиплаш ва дерматоскопия усулини жорий этиш инвазив ўсма ўсишидан олдин эрта аниқлашга, шунингдек, базал ҳужайрали тери саратонини даволаш учун ўсманинг гистологик хусусиятини ташхислаш, базал ҳужайрали тери саратони билан хастланган беморларни барвақт ташхислашнинг ишлаб чиқилган

усулини қўллаш орқали ўсманинг биологик хусусиятини эрта ташхислаш ҳисобига иқтисодий самарадорликни ошириш, касалликнинг қайталаниш даражасини камайтириш ҳамда беморларнинг ҳаёти сифатини яхшилаш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 5 илмий–амалий анжуманларда муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 23 та илмий иш чоп этилган бўлиб, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 7 та мақола, жумладан, 4 таси республика ва 3 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 120 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация иши мавзусининг долзарблиги, мақсад, вазифалари, тадқиқот объектлари ва субъектлари акс эттирилган; тадқиқотнинг Ўзбекистон Республикаси фан ва техникасини ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мувофиқлиги ҳамда тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари тақдим этилган; олинган натижаларнинг назарий ва амалий аҳамияти очиқ берилган; тадқиқот натижаларини амалиётга табиқ этиш, чоп этилган ишлар ва диссертация тузилиши ҳақида маълумотлар ёритилган.

Диссертациянинг «**Базал ҳужайрали тери саратонини ташхислаш ва диссеренциал ташхислашнинг ҳамонавий жиҳатлари**» деб номланган биринчи бобида диссертация мавзуси бўйича илмий тадқиқотлар батафсил шарҳи ва муаммонинг ўрганилганлик даражаси келтирилган. Адабиётлар шарҳи БҲСТ ривожланишининг замонавий тадқиқотлари, таснифи, этиологияси ва патогенезига, шунингдек, ушбу патологияни даволашнинг асосий тамойилларига бағишланган, энг мақбул ечимни талаб қиладиган асосий вазифалар ва муаммолар аниқланган.

Диссертациянинг «**Базал ҳужайрали тери саратони билан хастланган беморларнинг клиник хусусиятлари ва тадқиқот усуллари**» деб номланган иккинчи бобида тадқиқот усуллари ва материалларига тавсиф берилган. Тадқиқот кўп босқичли хусусиятга эга бўлиб, 2017 йилдан 2021 йилгача бўлган даврни қамраб олди: 2017 йил (2017 йил учун 7-сон шакл бўйича расмий статистика маълумотларини таҳлил қилиш); 2015-2019 йй. – Тошкент ш. «Канцер-Регистр» маълумотлари; 2018-2019 йй. – РИО ва РИАТМ Тошкент шаҳар филиали патогистологик лаборатория архив материаллари; 2018-2021 йй. – 53 та БҲСТ ҳолати: Республика тери-таносил клиник касалхонаси клиник, дерматоскопик ва гистологик маълумотлари; 2021 йил – 20 та БҲСТ ҳолати (танлама гуруҳ), иммуногистокимёвий тадқиқот учун РТТКК базасида танланган.

Ўзбекистон Республикаси бўйича эпидемиологик ўрганиш учун материаллар 2017 йил учун 7-шакл статистика ҳужжатларидан олинган. Тошкент шаҳри бўйича эпидемиологик ўрганиш учун таҳлил муаллифи томонидан ўтказилган таҳлил йиллари (2015-2019) бўйича паспорт, анамнестик ва клиник маълумотларни ўз ичига олган Тошкент шаҳридаги «Канцер-Регистр» нинг статистика маълумотлари асос бўлди. Танланган гистотиплаш гуруҳи 2018-2019 йиллар учун гистотипланган БХТС бўлган беморлар бўлиб, улардан 358 кишининг шахсий маълумотлари 01.01.2020 йилгача такрорланишни кузатиш учун тўпланган. Беморларнинг ушбу гуруҳи гистологик препаратлари РИО ва РИАТМ Тошкент шаҳар филиали архивидан олинган ва диссертант томонидан гистотиплашдан ўтказилган.

Дерматоскопик тадқиқот «DermLITE DLI» (АҚШ) аппарати ёрдамида амалга оширилди. Ушбу тадқиқот Menzies SW. томонидан тавсифланган текширув стандарти ва алгоритмига мувофиқ ўтказилди. БХТС билан оғриган 51 беморни кенг қамровли текшириш ёрдамида биз томонимиздан 6 та дерматоскопик белгиларнинг ишончлилиги исботланди. Таъкидлаш жоизки, Menzies SW. томонидан тавсифланган дермоскопик алгоритм пигментли тармоқнинг йўқлиги ва БХТС нинг олтига ижобий морфологик белгиларидан камида биттаси мавжудлигига асосланган. Клиник-дерматоскопик текширув ўтказилганидан сўнг тегишли шароитларда тери биопсияси ўтказилди, сўнгра гематоксилин-эозин билан бўялган парафин кесмалари тайёрланди. Олинган натижалар WHO Skin tumors, ICD-O (2018) бўйича БХТС гистотипини мажбурий аниқлаш билан изоҳланган.

Гистологик текширув учун рН=7,4 бўлганда Лилли бўйича буферли формалин эритмасига солинган, сувсизлантирилган ва стандарт усул бўйича парафин блокларида жойланган материалдаг фойдаланилди. Сўнгра Feather P35 маркали бир марта ишлатиладиган пичоқлар ёрдамида 3-5 мкм қалинликдаги парафин тилимлари тайёрланди ва стандарт протоколга мувофиқ депарафинизация қилинган ёпишқоқ қопламали ойнага (полилизин) қўйилди. Тилимлар 5 дақиқа давомида деионизация қилинган дистилланган сув ва фосфат буферида ювилди (рН 7,4). Гистологик вариантни аниқлаш учун кузатиш қулай бўлган гистологик бўёқлар (гематоксилин-эозин) ишлатилган.

Иммуногистокимёвий тадқиқот турли хил ўсиш гистотиплари (пигментли - 5, солид - 7, солид-аденоид - 2, морфеаформ - 5, аралаш - 1) бўлган 20 та БХТС ҳолатида ўтказилди, улардан 9 нафари эркак ва 11 нафари аёл эди. Эркакларнинг ўртача ёши $62,2 \pm 16,1$, аёлларнинг ўртача ёши $72,5 \pm 9,0$.

p53, Ki-67 ва bcl-2 протеинларга ишчи эритмаларда бирламчи моноклонал антитаналар фойдаланилган (2-илова). Иккинчи антитана сифатида универсал тўпланмадан биотинланган сичқонга қарши ва қуёнга қарши иммуноглобулинлар қўлланилган. Қалинлиги 5 мкм бўлган тилимлар поли-L-лизин (Sigma) плёнкаси билан қопланган, цитрат буферида (рН 6,0) яхшилаб ювилган предметли шишаларга жойлаштирилади. Бўёқларни визуализация қилиш биотинилланган пероксидазали (ABC-kit) авидин комплексини қўллаган ҳолда амалга оширилди, сўнгра диаминобензидин билан хрен

пероксидазаси намоён бўлади. Ижобий ва салбий назорат ўрнатилди. Фон бўёқлари учун гематоксилиндан фойдаланилди.

p53, Ki-67 ва bcl-2 маркерларининг экспрессия даражасини баҳолаш ўсма хужайраларининг уяларида бўялган ядроларнинг фоиздаги улушида амалга оширилди. Иммунопозитив ядролар юқоридан пастга ва чапдан ўнгга ўсма хужайраларининг нисбатан бир хил тақсимланиши билан намунали кўриш майдонларида ҳисобланган. Фон бўялиши кўпроқ кузатиладиган тилимларнинг четидаги хужайралар ҳисобга олинмади.

Морфометрик тадқиқот БХТС нинг турли ҳолатларида бир қатор структуравий хусусиятларни аниқлашни окуляр тўр ва микролинзалар ёрдамида амалга оширишни ўз ичига олган.

Диссертациянинг «**Базал хужайрали тери саратони клиник-дерматоскопик ва клиник-морфологик тадқиқотининг таҳлили**» деб номланган учинчи бобида Ўзбекистон Республикаси ва Тошкент шаҳри бўйича тери саратони билан касалланиш кўрсаткичлари тадқиқ этилди ва таҳлил қилинди, шунингдек, 2015-2019 йиллар учун динамикада аниқланган беморлар орасида БХТС билан касалланиш риск омили ўрганилди. Бундан ташқари, ЖССТ таснифига кўра клиник шакллар ва гистологик вариантлар бўйича беморлар гуруҳини ажратган ҳолда клиник-морфологик тадқиқот ўтказилди. 51 нафар беморда базал хужайрали тери саратонининг клиник-дерматоскопик таҳлиллари натижалари келтирилган. Таҳлилларга асосланиб, базал хужайрали саратоннинг клиник шаклларига қараб, дермоскопик белгилар ва Фицпатрик фототипининг учраш частотаси ажратиб кўрсатилади. Морфологик гистотиплар ўсма жараёнининг босқичига қараб ўрганилди. Муаллиф ўсманинг гистологик турига қараб ўсманинг такрорланиш частотасини ўрганган.


Ўтказилган таҳлил Тошкент шаҳрида БХТС билан касалланиш даражаси 17,6 фоизни ташкил этишини аниқлаш имконини берди. Бунда, республика бўйича аҳоли структурасида Тошкент аҳолиси сони бўйича атиги 7-ўринни эгаллайди (2,4 млн киши). Бу Бухоро вилояти ва Сурхондарё вилоятидан кўпроқ (мос равишда 4 ва 13-ўринлар). Кўрсаткичларнинг бундай катта камрови минтакаларда беморларнинг тўлиқ ҳисобга олинмаслиги ёки мавжуд диагностика хатоларини, айниқса ўсманинг клиник шакллари ва гистологик вариантлари ҳисобга олинмаганлигини кўрсатади.

Тошкент шаҳрида ўтказилган тадқиқотлар шуни кўрсатадики, БХТС билан касалланиш ҳолатлари энг кўп сони Бектемир туманида аниқланган: катта ёшдаги аёллар орасида тери саратони ҳар 100 минг аҳолига 40,6 тани ташкил этган. БХТС бўйича минимал кўрсаткичлар Юнусобод туманида қайд этилган – ҳар 100 минг аҳолига 12,3 киши. Эркаклар ўртасида ҳам тафовутлар сезиларли бўлди – агар Яшнобод туманида энг юқори кўрсаткич 32,1 га етган бўлса, Олмазор туманида энг кам кўрсаткич 5,7 ни ташкил этди. Катталардаги тери саратони билан касалланишнинг ўртача даражаси эркакларда $16,2 \pm 6,1$, аёлларда $22,9 \pm 8,7$ га тенг эди.


БХТС онкологик кўрсаткичлари ҳолатини ҳар томонлама ўрганиш мақсадида Тошкент шаҳридаги «Канцер-Регистр» маълумотлари, шунингдек,

5 йил давомида (2015-2019 йй.) БХТС тарқалишининг эпидемиологик хусусиятлари ўрганилди. Бошланғич материал бўлиб БХТС гистологик тасдиқланган ташхиси асосида 2015-2019 йилларда рўйхатга олинган Тошкент шаҳрида яшовчи онкологик беморларнинг паспорт маълумотлари киритилган ретроспектив обсервацион қўшма когорта тадқиқоти (2019-йил учун замонавий тиббий тадқиқотлар стандарти) маълумотлари хизмат қилди. БСС нинг. Беш йил давомида Тошкент шаҳрида «Канцер-Регистр» томонидан 1241 та БХТС бошланғич ҳолати ҳисобга олинган бўлиб, шундан 1206 таси – солитар ўсмалар ва 35 таси бирламчи-кўпликдаги БХТС ҳисобланади. Умуман олганда, 1215 беморда базал ҳужайрали тери саратони ташхиси бирламчи қўйилган. БХТС билан касалланган турли ёшдаги 1215 беморнинг ҳолатини таҳлил қилишда хорижий адабиётларда таъкидланган қонуниятлар тасдиқланади⁴: кекса ва қари ёшда БХТС га мойиллик, аёлларнинг эркаклардан устунлиги, БХТС ёруғ фототипларига мойиллик (Фицпатрик бўйича). Беморларнинг ўртача ёши $70,39 \pm 2,01$ ёшни, эркаклар ва аёллар учун эса тегишлича $68,45 \pm 11,31$ ва $71,56 \pm 4,8$ йилни ташкил қилди.

Фицпатрик бўйича енгил фототип фотоканцерогенезга кўпроқ мойил. Ўзбекистоннинг кўп миллатли пойтахти Тошкент шаҳри аҳолисига келсак, бу рус миллатига мансуб аҳолиси орасида 47,3% ва татар миллати вакилларида 12,8% БХТС билан касалланишнинг энг юқори даражасида намоён бўлади. ГОРСТАТ 2013 йил маълумотларига кўра, умумий аҳоли сонининг 68%ини ташкил этувчи ўзбек миллатига мансуб шаҳарликлар орасида «енгил» вариант устунлик қилувчи ўзбек аҳоли орасида мураккаб фототип қайси миллатга мансублигига кўра учраш бўйича иккинчи ўринни белгилаб берди (3-расмга қаранг).



1-расм. 2015-2019 йилларда БХТС қайд қилинган Тошкент шаҳри аҳолисида эркаклар (N=505) ёш структураси (%).




2-расм. 2015-2019 йилларда БХТС қайд қилинган Тошкент шаҳри аҳолисида эркаклар (N=710) ёш структураси (%).


Беморнинг яшаш жойига қараб тадқиқот гуруҳининг умумий таҳлилида оқ ирқ вакиллари (руслар, украинлар, татарлар ва ҳ.к.) устунлик қилган, кексалар ва қариялар сезиларли даражада устун бўлган урбанизациялашган ҳудудларнинг табиий етакчилиги аниқланди: хуусан, БХТС билан касалланиш

⁴ Verkouteren J.A.C., Ramdas K.H.R., Wakkee M., Nijsten T. Epidemiology of basal cell carcinoma: scholarly review // Br. J. Dermatol. – 2017. - №177. – P.359.

бўйича Яшнобод (15,8%), Мирзо-Улугбек (14,0%) ва Миробод (13,4%) туманлари етакчилик қилмоқда.



3-расм. 2015-2019 йилларда БХТС бирламчи беморларнинг этник хусусиятлари (%)



4-расм. Тошкент шаҳри туманлари кесимида БХТС билан касалланиш ўртача йиллик частотаси (%).

5 йил давомида БХТС билан дастлаб рўйхатга олинган беморларда клиник материалнинг ретроспектив статистик таҳлилида, босқичларга мос келадиган ўсманинг максимал ҳажмига эътибор қаратилди (1-жадвал).

1-жадвал

БХТС билан касалланган беморларнинг динамикада босқичга қараб тақсимланиши (2015-2019 йй.)


Йиллар	Жараён босқичлари				Ўтказиб юборилганлик
	I босқич	II босқич	III босқич	IV босқич	%
2015 й	17,1	76,4	6,1	0,4	6,5
2016 й	31,8	54,2	13,4	0,6	14,0
2017 й	20,1	73,6	6,4	0,0	6,4
2018 й	14,4	78,5	6,4	0,6	7,1
2019 й	25,1	65,4	7,9	1,6	9,4
жами	20,5	71,4	7,6	0,6	8,1

БХТС нинг барвақт ташхиси жараённинг I-II босқичлари билан белгиланади, бу Тошкент шаҳри бўйича 5 йил давомида ўртача 70,5% ни ташкил этди, БХТС ўтказиб юборилганлик эса дастлабки ўрнатилган III ва IV босқичларининг йиғиндисидан иборат бўлиб, йиллар давомида 6,4% дан 14,4% гача ўзгариб туради. Ўтказиб юборилганлик ўртача кўрсаткичи 9,7%ни ташкил қилди, яъни БХТС билан касалланган ҳар 10-бемор ўтказиб юборилган босқичда рўйхатга олинади. Ўтказиб юборилганликнинг энг юқори фоизи 2016 йилда, энг пастси эса 2015 йилда аниқланган. Ўтказиб юборилганлик сабаблари БХТС билан оғриган беморларда онкологик саводхонликнинг йўқлиги, асосан қари ёшдалик, шунингдек, умумий даволаш тармоғидаги шифокорларнинг онкологик хушёрлик даражасининг пастлиги билан боғлиқ.




5-расм. Локализацияга қараб БХТС билан оғриган бирламчи беморлар структураси (2015-2019 йй.).

БХТС структурасини локализацияга қараб таҳлил қилганда биз кутилган натижаларга эришдик, аксарият ҳолларда юз териси - 83,4% ва бошнинг сочли қисми териси 4,8%, шунингдек, тананинг жунли қисми - 5,8% зарарланган. Оёқлар териси -1,4% ва қўллар териси - 1,2% анча камроқ таъсирланган.



6-расм. 2018 йилда БХТС бирламчи беморлари гистологик структураси (%) n=235.

2018 йилда бирламчи БХТС билан оғриган 235 та беморда гистологик препаратлар синаб кўрилган. Бунда ўсманинг солид варианты устунлиги 33,2% даражада аниқланди. Ўсманинг метатипик ва аденоид вариантлари нисбатан кенг тарқалган, мос равишда 7,2 ва 6,4.




7-расм. 2019 йилда БХТС бирламчи беморлари гистологик структураси (%) n=187.

2019 йилда 187 та бирламчи БХТС ҳолатида гистологик препаратлар синаб кўрилди. Турли хил гистотипларнинг пайдо бўлиш частотаси амплитудаси ўтган йилга қараганда камроқ ифодаланган. Шунингдек, солид вариантнинг устунлиги 24,6%ни ташкил этиб, бу ўсма гистотипининг аралаш вариантыдан 4,3% кам экан.

Бизнинг тадқиқотимизда биз Menzies ва бошқалар томонидан тасвирланган дерматоскопик алгоритмдан фойдаландик, бу пигментли тармоқнинг йўқлиги ва БХТС нинг олти та ижобий дермоскопик белгиларидан камида биттаси мавжудлигига асосланган:


- 1 - шохланган «дарахтсимон» телеангиоэктазия,
- 2 - спицали ғилдирак тури бўйича жойлар,
- 3 - заранг барглари шаклида пигмент тўпланиши,
- 4 - кўк-тухумсимон уялар (кўк-ҳаво ранг овал шаклдаги структуралар),
- 5 - кўк-кул ранг глобула,
- 6 - яра пайдо бўлиши.



8-расм. Базал ҳужайрали тери саратони схематик (А) ва клиник (В) дерматоскопик белгилари.

Ушбу дерматоскопик алгоритмдан фойдаланиб, биз 70 беморнинг дерматоскопиясини ўтказдик, бунинг учун танлаш мезони «Базалиома» клиник ташхиси бўлди. Улардан 51 нафар беморда БХТС ташхиси дерматоскопик усулда тасдиқланди. Биопсия материалнинг кейинги морфологик текшируви шуни кўрсатдики, 4 та ҳолатда нотўғри-мусбат дерматоскопик ташхис қўйилган; 3 та ҳолатда трихоэпителиома, 1 та ҳолатда трихофоликулем аниқланган. 70 бемордан фақат биттасида БХТС нинг нотўғри-мусбат ташхиси бор эди, бу гистологик жиҳатдан ёғ безлари гиперплазияси бўлиб чиқди. Ўтказилган тадқиқот натижасида БХТС ташхисида дерматоскопия усулининг сезгирлиги ва ўзига хослиги мос равишда 95,4% ва 92,6% доирасида ўрнатилди.

Шу билан бирга, дерматоскопик текширув маълумотлари патоморфологик ва иммунохистохимёвий тадқиқотлар билан тўлдирилди, бу муаллифга БХТС ни эрта ташхислаш алгоритмини ишлаб чиқишга имкон берди (9-расм). Ушбу алгоритм хавф гуруҳларини (ёши, жинси, фототиби), клиник шакллари ва гистологик типларини аниқлашга имкон берди, бу БХТС ни қайталашсиз даволашга имкон беради.



9-расм. БХТС билан касалланган беморларни текшириш учун диагностика алгоритми

БХТС *туғули шаклининг* дерматоскопик сурати қон томир структуралари 100% ҳолларда, кўк-кулранг тухумсимон уялар 5,6% ва кўп сонли кўк-кулранг нуқта 5,6% ҳолларда аниқланган (1-жадвал; 2-расм). Қон

томир структуралари орасида дарахтсимон томирлар, бурама томирлар, тўғноғичсимон томирлар, вергулсимон томирлар, калта юпқа телеангиэктазиялар, нуқта шаклидаги томирлар, ўрамлар, чизикли тартибсиз томирлар учрайди (10-расм).

Гистологик тугунли ўсиш варианты ретракцион ёриқли ўзига хос палисадсимон периферия ўсма хужайрали солид, аденоидли, кистасимон гистологик структуралардан аниқ ифодаланган бляшкасимон ўсмали солид гистотип билан ифодаланади (11-расм).

БХТС нинг **яралли шакли** сарик, пушти ёки марварид рангли бўлиши мумкин бўлган кичик ярим шаффоф папула шаклида пайдо бўлади. Ўсма юзасида эпидермис ингичкаланади ва чўзилади, кўпинча бир нечта телеангиэктатик томирлар кўринади. Зарар кўпайиши билан марказий эрозия ёки яра пайдо бўлиши ривожланади. Ҳеч қачон битмайдиган яра характерлидир. Пайдо бўлган яра аниқ белгиланган ва одатда қавариқ четларга эга бўлади. Марказда четларига қараб чўзилган, туби ялтироқ, силлиқ, мумсимон, зич, шикастланганда осон қон кетадиган, четлари валикли, телеангиоэктазияли юпқалашган эпителий билан қопланган яраси бўлган экзофит ўсма.

У ўсиб бориши билан, ўсма майдони ортишидан ташқари, эпителизацияга мойил бўлмаган сиртда кўпинча доимий яралар пайдо бўлади. Инфильтратив БХТС да ўсма жараёнининг максимал агрессивлиги БХТС нинг ичига ўтадиган (*ulcus terebrans*) ва яралли (*ulcus rodens*) шаклларида эришилади.

БХТС яралли шаклининг дерматоскопик сурати қон томир структуралари 100% ҳолларда, кўк-кулранг тухумсимон уялар 10% ва яралар 95% ҳолларда аниқланган. Қон томир структуралар орасида дарахтсимон томирлар ва бурама томирлар учрайди.

